

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани
ХОКИМИ
ҚАРОРИ



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2.10.15

№ 1539-К

Пўлотов Шахриёрга молхона ва омборхона қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг сонли баённомаси, Давлат экспертизасининг 2015 йил 24 августдаги 1410-сонли хулосаси, «Шаҳарсозлик ва архитектура илмлари институти»нинг хулосаси ҳамда фуқаро Пўлотов Шахриёрнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг ҳамда ишчи гуруҳ раёнидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. МЧ «Гулобод-агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг контуридан Фуқаро Пўлотов Шахриёрга молхона ва омборхона қуриш учун 0,16 га (шундан: 0,16 га фойдаланмай ётган кўшимча томарқа ерлар қисмидан) ер майдони ажратилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.
4. Молхона ва омборхона бино-иншоотларини қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Пўлотовга топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ишчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров